

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Гулбаҳор Саидғаниева,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты, филология
фанлари номзоди, доцент

Агар кимнингдир ҳақида эзгу сўз айтиш керак бўлса, у ҳеч қачон кеч эмас. Устозимиз, забардаст олдим, ф.ф.д., проф. Нўъмон Раҳимжонов ҳақида эзгу сўз айтишнинг ҳам вақти ва чегараси йўқ. Аслида юқоридаги жумла бизга устозимиздан мерос қолди.

Узоқ йиллар олдин фан номзоди илмий даражаси учун диссертация ёзишда ф.ф.д., проф. Б.Саримсоқовдан маслаҳатлар олдим. Домла устозлик қилдилар, адабиётлар тавсия этдилар, йўл-йўриқлар кўрсатдилар, лекин ҳали мавзу эълон бўлмасидан соғликлари ёмонлашиб оламдан ўтдилар. Анча вақтни ўтказиб, бошим қотиб, диссертациямни кўтариб Нўъмон Раҳимжоновнинг олдиларга Тил ва адабиёт институтига бордим ва “устозим ўтиб қолдилар, ҳали мавзуни ҳам расман эълон қилмаган эдик, анча вақт ўтиб қолди”, дедим. “Эзгуликнинг кечи йўқ, ишни олиб чиқамиз!”, - дедилар домла.

Бир-икки йилда диссертация тайёр бўлди. Ишни ёқладим. Бу орада устозим Нўъмон Раҳимжоновнинг уйларига бир марта дугоналарим билан айрим хужжатларга имзо қўйдириш учун боришимга тўғри келди. Домла бизни кўнмаганимизга қўймай тўрига ўтириб, ўзлари пойгакда ўтириб чой қуйиб узатдилар. Қайтаётганимизда дугоналарим: “Устозингиз жудаям камтар, кичиккўнгил, самимий эканлар, айрим устозлар олдида гапира олмасдик ҳам, шунақа ҳам яхши инсон бўладими!” – деб хайратланишди. Фахрланиб қўйдим. Домла туфайли уларга шогирд бўлган кўплаб олималар билан танишганимдан бугун миннатдорман.

Шеършунос олимлар бисёр, лекин Н.Раҳимжонов ҳақиқий шеършунос олим эди. Менга ҳам: “Сиз шеърнинг ичига кириб олинг, шеър ичида яшанг, ташқаридан туриб таҳлил қилиб бўлмайди”, - дердилар. Сухбатлар жараёнида билдимки, устозим жудаям-жудаям кўп адабиётлар кўрган, Шарку Ғарб адабиётшунослигининг билимдони эдилар. Бироқ шунақанги камтар, бу билан мақтанмас, керакли ўринда илмий ишларида фойдаланардилар. Ҳаётда эса айримларни кўрдикки, озгина нарса ўқиб қўйган бўлса, бировларни менсимай, шу ўқиганини мақтаниб ҳаммага уқтириб ётадилар. Биз шогирдлар Н.Раҳимжонов сиймосида илмдан ҳилм ҳосил қилган ҳақиқий зиёлини кўрганмиз.

Домланинг синиккўнгил, бировга ёмон гапирмаслиги, ёмонлик қилмаслигидан кўплар ўзи учун фойдаланди. Устоз билан ишимни ёқлагунимча босиб ўтган “саргузаштларимиз”, яъни айримларнинг оёқдан чалмоқчи бўлганию, ёқлаганимдан кейин диплом олгунимча кўрган кунларимиз бир олам жаҳон. Буларга айримларнинг устозимизни кўра олмагани сабаб бўлган экан. Устозини деб шогирдидан алам олиш тенденцияси, афсуски, бор. Устоз эса ҳеч кимга ёмонлик қилмадилар, тилларида эзгу сўз билан илмий асарларни ёзишда давом этавердилар.

Устоз фақат илмий соҳадагина эмас, ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам устоз, намуна бўлар экан. Ана шу “Эзгуликнинг кечи йўқ” деган ибора билан қанча-қанча ишларга илҳомлантириб, биз шогирдларни ўзимизга ишонч билан яшашга, катта ишларга жазм қилишга ундаб яшадилар. Устоз туфайли “Ўзбек адабиётшунослари” китобига номим кирди.

Йиллар ўтиши билан “Эзгуликнинг кечи йўқ” деган ибора остида инсон ҳеч қачон умидсизликка тушмаслиги, ҳеч қачон иродаси синиб қолмаслиги кераклиги, эзгулик барибир ёмонлик устидан ғалаба қозониши, ҳою ҳавас, кин-адоватларнинг барчаси ўткинчию, инсондан фақат эзгу амалларгина қолишини теранроқ англадим. Бугун устоз орамизда йўқлар, шогирдлар устозларини фақат эзгу сўз орқалигина йўқлай оладилар. Зеро, эзгуликнинг кечи йўқ.